



ПРИМОВ Соатмурот Уралович
Имом Бухорий номдаги Тошкент ислом
институтини проректори
исломишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

ИМОМ АБУ ХАНИФАНИНГ ҚАДАРИЙЛАРГА РАДДИЯЛАРИ

ОПРОВЕРЖЕНИЕ ИМАМА АБУ ХАНИФЫ КАДАРИТАМ

THE REFUTATIONS OF IMAM ABU HANIFAH TO THE QADARITS

Аннотация: Мазкур мақолада ислом тарихида илк пайдо бўлган қадария фирқасининг пайдо бўлиш тарихи ва уларнинг асосий ақидавий қарашлари баён қилинган. Шунингдек, Имом Абу Ханифанинг қадарийлар билан бевосита баҳс-мунозаралар олиб боргани зикр қилинган ҳамда уларнинг турли нотўғри қарашларига илмий асосда берган раддиялари келтирилган. Қадарийларнинг инсон ўз феъллини ўзи яратиши борасидаги ақидаларига ақлий раддиялар берилган.

Калит сўзлар: Қадария, қадар, аҳли сунна вал жамоа, фирқа, мўътазила, азалий, ҳижерий.

Аннотация: В данной статье рассматривается история возникновения кадаритского течения, одного из первых в истории ислама, а также излагаются его основные догматические взгляды. Кроме того, упоминается, что имам Абу Ханифа вёл дискуссии с кадаритами и опровергал их различные заблуждения, опираясь на доводы разума и откровения. В частности, приводятся рациональные аргументы против убеждения кадаритов о том, что человек сам творит свои деяния.

Ключевые слова: Кадария, кадар (предопределение судьбы), ахли сунна вал джамаа, секта, мутазилиты, азали (то, что не имеет начала), хиджери.

Annotation: This article examines the emergence of the Qadariyya movement, one of the earliest theological schools in Islamic history, and outlines its core doctrinal beliefs. It also discusses how Imam

Abu Hanifa engaged in debates with the Qadariyya, refuting their various misconceptions by relying on both reason and revelation. In particular, the article presents rational arguments against the Qadariyya belief in the absolute free will of humans to create their own actions.

Key words: Qadariya, qadar (predetermination of fate), ahli sunnah wal jama'a, sect, Mutazilites, azali (which has no beginning), Hegira.

КИРИШ

Ислом дини илк даврида Арабистон ярим оролида вужудга келган бўлса-да, кейинчалик бошқа минтақа ва ҳудудларга кириб борди. Хусусан, халифа Умар ибн Хаттоб даврида ислом дини Форс ва рум давлатлари ҳудудларигача кенг тарқалди. Ироқ қадимдан турли маданият ва динлар кенг ёйилган минтақа ҳисобланади. Имом Абу Ханифа ҳам айнан Ироқ шаҳарларидан Куфада таваллуд топиб, шу ерда камол топди. Ислом динига мансуб турли адашган фирқа ва оқимлар дастлаб Ироқ ҳудудида пайдо бўлди. Жумладан, хаворижлар, шиалар ва мўътазилийлар каби. Имом Абу Ханифа ўз шогирдларига аҳли сунна вал жамоанинг асосий таълимотларини таълим бериш билан бирга ўша даврдаги тарқалган адашган фирқаларга раддиялар берган. Баъзан муайян мавзулар бўйича бевосита баҳс-мунозаларининг натижасида улар ўзларининг нотўғри йўлларида қайтиб тавба қилган ўринлари ҳам бўлган. Гоҳида эса улар Имом Абу Ханифанинг саволларига жавоб беролмасдан, мағлуб ҳолда баҳс-мунозара мажлисини тарк этганлар. Шунингдек, Имом Абу Ханифа ўзининг ақидавий масалаларга бағишланган асарларида ҳам адашган фирқа ва оқимларнинг нотўғри эътиқодларига раддиялар берган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Абу Ханифа (80-150/699-767) Куфа шаҳрида турли дин ва таълимотлар кенг тарқалганини ўзи ҳам эътироф қилган: “Мен Маккада Ато ибн Абу Рабоҳ билан учрашганимда, ундан бир савол сўрадим. У мендан: “Қаерликсан?”, деб сўради. Мен: “Куфаликман”, деб жавоб бердим. У: “Динларида ихтилоф қилишиб, шиа бўлиб кетган кишлоқ аҳлидан экансан-да”, деди. Мен: “Ҳа”, дедим. У мендан: “У ердаги қайси жамаодансан”, деб сўради. Мен: “Салафларни ҳақорат қилмайдиган, қадарга имон келтирадиган ва гуноҳ туфайли бирор кишини

кофирга чиқармайдиганлар жамоасиданман”, дедим. У: “(Тўғри йўлни) танибсан, энди уни маҳкам ушлагин”, деди”.

Аллома Маждуддин Ибн Асир Жазарий Шофеъий (ваф. 606/1210 й.) Имом Абу Ҳанифа борасида нозик бир нуқтага ишора қилади: “Агар Аллоҳнинг у борасида махфий сири ва илоҳий ризоси бўлмаганида, мусулмонларнинг ярми ёки унга яқини унга тақлид қилмаган ва унинг мазҳабига эргашмаган бўлар эди. Ҳатто унинг фикҳига кўра Аллоҳ таолога ибодат қилинди ва эътиқод қилинди. У зотнинг райи ва мазҳабига амал қилинди. Бугунги кунимизгача, яъни ҳижрий тўрт юз эллигинчи йилгача у зотнинг сўзи олинди. Бунда у зотнинг мазҳаби ва ақидаси тўғри эканига энг катта далил бор” [8; 953].

Кўпчилик мутакаллим уламолар адашган фирқаларни дастлаб олтитага кейин уларнинг ҳар бири ўн иккитага бўлинишини айтади. Қадарийлар – аҳмария, санавия, мўътазила, кайсония, шайтония, шарикия, ваҳмия, ровандия, батрия, нокисия, қосития ва наззомия фирқаларига бўлиниб кетган. Буни Абул Юср Паздавийнинг “Усул ад-дин” ва Абу Шакур Солибий Кешийнинг “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” асарларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур олимлар фирқалар тақсимооти борасида Абу Ҳанифага эргашган бўлиши ҳам мумкин. “Ат-Тамҳид” асарида зикр қилинишича, Абу Ҳанифа аҳли сунна вал жамоага қуйидагича таъриф берган: “Суннат ва жамоат – носибийлик ҳам эмас, рофизийлик ҳам эмас, жабарийлик ҳам эмас, қадарийлик ҳам эмас, мушаббихалик ҳам эмас ҳамда муаттиллалик ҳам эмас” [3; 363].

Ислом тарихида қадарийлар номи мўътазилийларга нисбатан биринчи пайдо бўлгани қайд этилган. Абдулкарим Шаҳристонийнинг таъкидлашича, қадарийлар номи тақдирни инкор қилувчиларга нисбатан ишлатилган [4; 232]. Қадарийлар сиёсий жиҳатдан умавийлар хонадонидан бўлган халифалар ҳокимиятига қарши нуқтада туришган. VIII аср охирига келиб уларнинг таълимотини мўътазилийлар изчил тарзда давом эттирган бўлса-да, қадарийлар мўътазилийларга нисбатан ушбу атаманинг қўлланишини хоҳламас эдилар [10; 36]. Бундан маълумки, қадарийлар қарашларини мўътазилийлар давом эттириб ривожлантирган. Натижада, мазкур икки ном бир-бирига маънодош истилоҳ бўлиб қолган. Шу эътибордан Абдулқоҳир Бағдодий ва Абдулкарим Шаҳристоний қадарий ва

мўътазилийларни алоҳида фирқа деб айтмаган. Шу жиҳатдан Абдулқодир Бағдодийнинг зикр қилишича, Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар» асарини мўътазилийларга раддия сифатида ёзган [1; 39].

Қадарийлар тақдирни ва Аллоҳ таоло нарсаларни яратилишдан олдин билишини инкор қиладилар. Уларнинг ақидасига кўра, Аллоҳ таоло нарсаларни тақдирда битмаган ва янгидан яратади. Қадарийлар саҳобалар даврида пайдо бўлган. Қадарийлик асосий икки ақидавий қараш – Аллоҳ таоло нарсаларни яратишдан олдин билишини инкор қилиш ва банда ўз феълани яратишидан ташкил топган. Янги пайдо бўладиган ишлар Аллоҳ таолонинг эмас балки инсоннинг хоҳиши билан бўлади, деб эътиқод қилганлар. “Қадарий” калимасини ислом дини тарихида илк бор аҳли сунна вал жамоа уламолари “Инсон ўз феълани ўзи яратади ва мустақил ҳолда вужудга келтиради”, деган эътиқодда бўлганларга нисбатан қўллаган. Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Аббос каби улуғ саҳобалар уларга раддиялар беришган. Ҳатто халифа Али ибн Абу Толиб алоҳида минбарга чиқиб қадарийларга раддия беради.

Имом Абу Ҳанифадан олдин яшаб ўтган уламолар ҳам қадарийларга раддия бериш учун алоҳида китоб ёзишган. Жумладан, Абул Асвад Дуалий (ваф. 69/688 й.) “Рисолатун фи замми ал-қадария”, халифа Умар бин Абдулазиз “ар-Радд алал қадария”, Ҳасан Басрий “ар-Радд алал қадария”, Жаъфар Содик “Раддун алалл қадария” ва Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб “ар-Радда алал қадария” номли асарлар битишган. Шунингдек, Яҳё ибн Яъмар, Абдуллоҳ ибн Абу Исҳоқ Ҳазрабий, Исо ибн Умар Сақафий ва Абу Амр ибн Алолар қадарийлар сўзларига раддиялар беришган ва бу борада бир қанча асарлар ёзишган.

Қадарийларнинг дастлабки намоёндаси Маъбад Жуханий (ваф. 80/699 й.) бўлиб, у Басрада биринчи бўлиб қадарни инкор қилган. Файлон ибн Муслим Димашкий (ваф. 105/723 й.) Маъбад Жуханийнинг издоши бўлиб, инсонларни қадарийликка даъват қилган. У тақдиринг яхшиси ҳам, ёмони ҳам бандадан бўлади, деб айтар эди. У халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) замонида ўз мазҳабидан тавба қилди. Халифа Ҳишом ибн Абдулмалик (723-743) даврига келиб яна қадарийлик эътиқодида эканини ошкор қилди. Имом Авзойи (88-157/707-774) у билан баҳс-мунозара

қилганидан кейин уни қатл қилиш борасида фатво беради. Кейин Дамашқ шаҳридаги Боби Кайсон дарвозасига осилади. Қадарийларнинг Ғайлония фирқаси унга нисбатланади.

Имом Абу Ҳанифа бир қанча дин, таълимот ва маданиятлар тўқнашган минтақа Ироқда туғилиб, яшаб ижод қилгани учун кўплаб фирқа ва дин вакиллари билан турли ақидавий масалаларда баҳс-мунозара қилишига тўғри келган ва асарларида уларга қарши раддиялар берган. Имом Абу Ҳанифа йигирма мартадан ортиқ Басра шаҳрига бориб, ўша ерда турли адашган фирқа вакиллари билан баҳс-мунозара олиб борган. Баъзида у ерда бир йилгача қолиб кетар экан. Басрада ўша вақтда энг кенг тарқалган фирқа мўътазилийлик бўлган.

Имом Абу Ҳанифа яшаган даврда қадарийлар ўзларининг ақидаларини тарқатишга ҳаракат қилганлар. Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа айтади: “Ғайлон Қадарийнинг бир шогирди Шомдан Куфага келди кейин биз у билан гаплашдик. Лекин бирортамыз унинг гапини рад қилишга қодир бўлмадик. Кейин Абу Ҳанифанинг шогирдлари у зотдан Ғайлон Қадарийнинг шогирди билан баҳс-мунозара қилишини сўрашди. Абу Ҳанифа: “Мен калом илмини тарк этганман”, деди. Биз у зотга айтдик: “Агар сиз у билан гаплашмасангиз, у Шомга ғалаба билан қайтиб кетади”. Биз қаттиқ туриб илтимос қилганимиздан кейин Абу Ҳанифа: “Жума намозидан сўнг Амр ибн Ҳурайс Курашийнинг ховлисида у билан кўришишга тайёргарлик кўрингизлар”, деди. Мазкур баҳс-мунозара мажлисига жуда катта ададдаги инсонлар тўпланишди. Абу Ҳанифа Ғайлон Қадарийнинг шогирдига қараб, “сўрамоқчи бўлган саволингни сўра”, деди. Ғайлон Қадарийнинг шогирди айтди: “Аллоҳ Фиръавн учун нима хоҳлаганини менга айт? Абу Ҳанифа: “У учун куфрни хоҳлаган”, деди. У айтди: “Иблис Фиръавн учун нимани хоҳлаган?” Абу Ҳанифа айтди: “У учун куфрни хоҳлаган”. У айтди: “Фиръавн ўзи учун нимани хоҳлаган?” Абу Ҳанифа айтди: “Куфрни хоҳлаган”. У айтди: “Мусо Фиръавн учун нимани хоҳлаган?” Абу Ҳанифа айтди: “У учун имон келтиришини хоҳлаган”.

Кейин Ғайлон Қадарийнинг шогирди айтди: “Дарҳақиқат Мусонинг хоҳиши Аллоҳ таолонинг хоҳишига хилоф келибди ҳамда Иблис ва Фиръавннинг хоҳишлари Аллоҳ таолонинг хоҳишига мувофиқ келди-да”.

Абу Ҳанифа айтади: “Албатта Аллоҳ таоло Иблисдан Фиръавннинг куфр келтиришини хоҳлашини хоҳлаган, Фиръавн ўзи учун куфр келтиришини хоҳлаган, Мусо Фиръавндан имон келтиришини хоҳлашини хоҳлаган. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлган”.

Ғайлон Қадарийнинг шогирди айтади: “Тўғри айтдингиз ва менинг сўзим хато экани маълум бўлди. Эй Абу Ҳанифа, Аллоҳ таоло сизни ислом ва мусулмонлар томонидан яхши мукофотлар билан сийласин. Мен учун тавба қилиш имкони борми?” Абу Ҳанифа айтди: “Сенинг тавбанг ўз шаҳрингга қайтиб бориб, ўша ердаги ўзинг адаштирган кимсаларни тўғри йўлга қайтаришинг билан бўлади”. Кейин Ғайлон Қадарийнинг шогирди Шом диёрига қайтиб бориб, шу ишларни қилди [12; 151-152].

Имом Абу Ҳанифа бир нечта қадарийлар намояндалари билан баҳс-мунозара олиб борган. Шунингдек, шогирдларига ҳам қадарийлар билан қандай тарзда баҳс-мунозара қилишни ўргатган. Жумладан Абу Юсуф бу борада қуйидагича нақл қилади: “Мен Абу Ҳанифани шундай деётганини эшитдим: “Қачон қадарий киши билан гаплашсанг, унинг натижаси икки шаклда бўлади. У ёки сукут қилади ёки кофир бўлади. Унга айт: “Аллоҳ таоло илми азалийсига билан нарсаларни ҳозирда қандай бўлса, шундайлигича билганми ёки билмаганми?” Агар “Йўқ”, деб жавоб берса, ҳақиқатда кофир бўлади. Агар у “Ҳа”, деб жавоб берса, унга қуйидагича савол бер: “Аллоҳ таоло нарсаларни илми азалийсига мувофиқ бўлишини ирода қилганми ёки унга хилоф бўлишини ирода қилганми?” Агар у “Аллоҳ таоло нарсаларни бу дунёда илми азалийсига мувофиқ ҳолда вужудга келишини ирода қилган”, деса, мўминнинг имон келтириш ва кофирнинг куфр келтириши Аллоҳ таолонинг азалий илми билан бўлганига иқрор бўлган бўлади. Агар у “Аллоҳ таоло нарсаларнинг бу дунёда вужудга келиши азалий илмига хилоф шаклда вужудга келишини ирода қилган”, деса, Раббисини фақат орзу қилувчи, ирода қилган нарсаси вужудга келмагани учун ғам-ҳасрат чекувчи, деб эътиқод қилган бўлади. Чунки ким бирор нарсани бўлмаслигини ирода қилса-ю, у бўлса ёки бўлишлигини ирода қилса-ю, у бўлмаса, бундай киши фақат орзу қилувчи ва ҳасрат-надомат чекувчи бўлади. Ким Раббисини бундай сифат билан сифатласа, ҳақиқатда кофир бўлади” [9; 55].

Етмиш нафар қадарийларнинг бошликлари ва намояндаларидан иборат гуруҳ Куфа шаҳрига Имом Абу Ҳанифа билан баҳс-мунозара қилиш учун келишади ва Куфа масжидига келиб жойлашади. Бу хабар Имом Абу Ҳанифага етиб борганида “Ҳақиқатда улар Куфага талабгори йўқ бўлган бугдой билан келишибди (яъни инсонларга фойдаси йўқ бўлган нотўғри ақидани тикиштириш учун келибди)” дейди. Имом Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бири сўзни уларга етказди. Кейин улар Имом Абу Ҳанифанинг ҳовлиси эшиги олдида келишиб, бир кишини элчи қилиб ичкарига киритишиб айтадилар: “Биз бу шаҳарга сиз сабабли келдик. Биз сиз билан гаплашмоқчимиз. Ҳақиқатда биз сизнинг ҳовлингиз олдида тўпланиб турибмиз ва сиз билан баҳс-мунозара қиламиз. Имом Абу Ҳанифа айтади: “Ҳозир Зулҳижжа ойининг ўн кунликлари. Бу ўн кунликни қандай амаллар билан ўтказишни биласизлар. Қачон бу ўн кунлик ўтса, кейин қайтиб келинглари мен сизлар билан гаплашаман. Гарчи баҳс-мунозара қилишни ёмон кўрсам ҳам”. Улар эшик олдида турганларга айтишади: “Биз фақат кирамиз ва у билан саломлашамиз”. Уларга киришга изн берилганида улар салом беришади ва ўтиришади кейин айтадилар: “Бизга етиб келишича, сиз бизнинг бу шаҳарга келганимизни эшитганингизда “Улар Куфага харидори йўқ бугдой билан келишибди”, дебсиз. Имом Абу Ҳанифа айтади: “Ҳа, шундай дедим”. Улар айтишади: “Ундай бўлса, биз сиз билан баҳс-мунозара қилмагунимизча ҳовлингиздан чиқиб кетмаймиз”.

Имом Абу Ҳанифа мазкур етмиш нафар қадарийларнинг ақидавий масалалар борасидаги ўн етгита саволига тўлиқ батафсил жавоб беради. Баҳс-мунозаранинг охирида Имом Абу Ҳанифанинг берган битта саволига улар жавоб беролмасдан мазкур баҳс-мунозара мажлисидан мағлуб бўлиб, айтадилар: “Эй Абу Ҳанифа, биз ҳар қандай киши билан баҳс-мунозара қилаверамиз. Фақат сен билан баҳс-мунозара қилмаймиз” [9; 56-60].

Шунингдек, Абу Ҳанифа Ғайлон қадарийнинг шогирди билан қадар ва унга тааллуқли масалалар бўйича мунозара олиб бориб, уни мағлуб қилади.

Қадарийлик эътиқодида бўлган муфассир олим Қатода ибн Диома (61-118/680-736) Куфа шаҳрига келганида Имом Абу Ҳанифа бир қанча инсонлар бирга унинг олдида боради

ва унга учта савол беради. Қатода ибн Диома эса “Адашган кишининг саволига жавоб берилмайди”, деган баҳона билан берилган учала саволга ҳам жавоб беришдан ожизлигини яширишга ҳаракат қилади [2; 22-31].

Имом Абу Ҳанифа қадарийлардан бири билан баҳс-мунозара қилиб, уларнинг “Инсон ўз феълини ўзи яратади”, деган ақидаларини оддий ақлий далил билан нотўғри эканини исботлаб беради: “Имом Абу Ҳанифа унга айтади: Сен ўзинг келдингми ёки сени олиб келишдими?” У: “Ўз ихтиёрим билан келдим”, деб жавоб беради. Имом Абу Ҳанифа унга: “Ўтир”, дейди. У ўтиради. Кейин Имом Абу Ҳанифа унга: “Ўз ихтиёринг билан ўтирдингми ёки сени мажбуран ўтиргиздими?” У: “Йўқ, ўз ихтиёрим билан ўтирдим”, дейди. Сўнг Имом Абу Ҳанифа унга: “Ўрнингдан тур”, дейди. У ўрнидан туради. Имом Абу Ҳанифа унга “Битта оёғингни кўтар” дейди. У битта оёғини кўтаради. Унга оёғингни ўз ихтиёринг билан кўтардингми ёки кўтариб қўйишдими? У “Ўз ихтиёрим билан кўтардим”, деб жавоб беради. Имом Абу Ҳанифа унга айтади: “Агар бундай бўлса, барча ишларни ўз ихтиёринг билан яратадиган бўлсанг, иккита оёғингнинг бирини ерга қўймасдан иккинчисини кўтар”. Мазкур қадарий киши Имом Абу Ҳанифанинг бу саволига жавоб беролмасдан ҳайрон қолди” [11; 135⁶].

Имом Абу Ҳанифа “Ал-Фикҳ ал-абсат” асарида бир нечта ўринда қадарийларга раддия берган. Жумладан, “ал-Фикҳ ал-акбар” китобида қуйидагиларни зикр қилган: “Унинг Қуръонда зикр қилганидек «яд», «важҳ» ва «нафс»и бордир. Аллоҳ таоло Қуръонда «яд», «важҳ» ва «нафс»ини зикр қилган экан, улар Унинг кайфиятсиз (қандайлиги номаълум) сифатларидир. Демак, унинг «яд»и Унинг қудрати ёки неъматидир деб айтилмайди. Чунки, унда сифатни ботил қилиш бор. У эса қадарийлар ва мўътазилийларнинг гапидир. Бироқ, «яд»и Унинг кайфиятсиз сифатидир. Унинг «ғазаб»и ва «ризоз»и ҳам Аллоҳ таолонинг кайфиятсиз икки сифатидир. У зот нарсаларни тақдир қилди, ўлчовини яратди. Дунё ва охиратда бирор нарса йўқки, Унинг хоҳишисиз, илмисиз, қазо ва қадарисиз, лавҳи маҳфузда ёзиб қўйишисиз бўладиган бўлса. Унинг ёзиб қўйиши васф билан бўлади, ҳукм билан эмас. Қазо ва қадар ҳамда хоҳиш-истак азалдан Унинг кайфиятсиз сифатларидир”

[7; 79-80]. Яъни Аллоҳ таоло коинотдаги барча нарсаларни йўқдан бор қилган, уларни бирор нарсага қараб ёки бирор нарсанинг бўлакларидан яратган эмас. Яратилган барча нарсалар Аллоҳнинг тақдири ва ўлчови билан бўлган. Демак, тақдир ва хоҳиш-истак Аллоҳ таолонинг сифати экан, улар азалий ва абадийдир.

Имом Қуртубийнинг (600-671/1204-1273) айтишича, мазкур эътиқодда бўлган қадарий йўқ бўлиб кетган бўлиб, мутааххир қадарийларнинг бу борадаги қарашлари ўзгарган. Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний (773-852/1371-1449) айтади: “Бугунги кунда қадарийлар Аллоҳ таоло бандалар феълларини пайдо бўлишидан олдин билишига иттифоқдирлар. Яъни мутааххир қадарийлар бандалар ўз феълларини мустақил равишда ўзлари яратади, дегувчи дастлабки қадарийларга қарши фикрдалар. Мутааххир қадарийлар мазҳаби ҳам нотўғри бўлиши билан бирга аввалгиларига нисбатан хатоси камроқ. Баъзи мутааххир қадарийлар Қадим зотнинг яратилган нарсага бўлган алоқадорлигидан қочиш мақсадида Аллоҳ таолонинг бандалар феълларига бўлган иродасини инкор қиладилар” [4; 227].

Имом Нававий (631-676/1233-1277) айтади: “Мутакаллимлардан иборат мақола муаллифларининг сўзларига кўра ўтмишдаги ботил ақидада бўлган қадарийлар қолмаган. Охирги асрлардаги қадарийлар ҳам тақдирни исбот қиладилар. Лекин улар “Яхшилик Аллоҳ таолодан, ёмонлик бошқадан бўлади”, дейдилар [13; 154].

ХУЛОСА

XV асрлик ислом тарихига назар солинса, турли минтақа ва ҳудудларга ҳар хил сабабларга кўра адашган фирқа ва оқимлар пайдо бўлган. Аҳли сунна вал жамоа уламолари эса уларга ақлий ва нақлий далиллар асосида раддиялар берган. Баъзи уламолар муайян фирқага раддия сифатида алоҳида асарлар битишган бўлса, айримлари ақидавий масалаларга оид асарларда уларнинг нотўғри ақидавий қарашларини очиб берган. Шунингдек, уламолар турли фирқа ва оқимларнинг намояндalари билан бевосита баҳс-мунозаралар олиб борган. Чунки битта жамиятда яшовчи мусулмонлар эътиқодий масалаларда бир-бирлари билан ихтилоф қилишса, у ерда на тинчлик, на ривожланиш бўлиши ҳақида бир сўз айтиш

мушқил ҳисобланади. Шу эътибордан Имом Абу Ҳанифанинг илмий мероси ва адашган фирқаларга берган раддиялардан фойдаланиш бугунги кунда соғлом эътиқодли ва ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абдулқодир Бағдодий. Усул ад-дин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-маърифa, 2018. – С. 308.
2. Абу Муҳаммад Ҳорисий. Кашф ал-осор аш-шарифа фи маноқиби Аби Ҳанифа. – Истанбул: Мактаба ал-Иршод, 2020. – С. 22-31.
3. Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуссаид ибн Шуайб Солимиy Кеший Макшифий. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демуруф, 1908. – С. 363.
4. Абулфатҳ Абдулкарим Муҳаммад Шаҳристоний. Ал-Милал ва-н-нихал / Таҳқиқ: Абдулазиз ал-Вакил. – Қоҳира: Муассасату-л-Ҳалабий, 1968. – С. 232.
5. Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад Шаҳристоний. Ал-Милал ва-н-нихал. – Ҳалаб: Муассасату Ҳалабий, 2008. – Ж. I. – С. 227.
6. Бағдодий Абу Мансур ибн Тоҳир. Китобу-т-тавҳиду-л-фарқ байнал-фирақ / Муҳаммад Бадр нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: 1328/1910. – С. 39.
7. Имоми Аъзам. Асарлар // Таржимон ва нашрга тайёрловчи Абдурашид қори Баҳромов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 79-80.
8. Маждуддин Ибн Асир Жазарий Шофеъий. Жомеъ ал-усул фи аҳодис ар-Расул // Таҳқиқ: Абдулқодир Арноут. – Ж. XII. – Ажмон: Мактабаат ал-фалох, 1390/1970. – С. 953.
9. Мажмуи кутуб ва расоил ва васоъ ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ат-Тамимий ал-Куфий разияллоҳу анҳу / таҳқиқ: Доктор Муҳаммад ибн Исмоил Абу Аввод. – Аммон: Мактабаа ал-ғоним лин-нашр ват-тавзеъ, 2022. – С. 55.
10. Ҳусниддинов З. Ислom йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. – Б. 36.
11. Шайх Абу Муҳаммад Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан. Китоб ал-канз ал-хафий мин ихтиёрот ас-сафий. Миср Араб Республикаси “Дор ал-кутуб ал-мисрия” кутубхонаси. – Қўлёзма. Инв. 4364. – В.1356.
12. Шамсулаимма Абулфазл Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий. Маноқиб ал-Имом Абу Ҳанифа // Таҳқиқ: Муҳаммад Воил Ҳанбалий. – Истанбул: Дор ас-саммон, 2021. – С. 151-152.
13. Яҳё ибн Шараф Нававий Муҳйиддин Абу Закарийё. Шарҳу Муслим би шарҳи ан-Нававий. – Байрут: Дор ал-фикр, 2018. – Ж. I. – С. 154.